

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

332 Истеъмол товарлари (хизматлар)нинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банклари депозитарига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ–1090-сон қарорига мувофиқ ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган истеъмол товарлари сифати, уларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан назоратни кучайтириш, шунингдек одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 июль,
190-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 июлдаги 190-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида

ташқил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатида:

а) 14-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«14. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш»;

б) 18-банддаги «болалар қуруқ сут маҳсулотлари, сутли болалар таомлари» сўзлари «болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маъқулланган барча турлари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги 19 — 21-бандлар қўшилсин:

«19. Қуйидагилар:

маргарин ва майонез маҳсулотлари;

конфет ва шоколад (миллий ширинликлардан ташқари);

тухум кукуни;

минерал сувлар, шарбатлар ва салқин ичимликларнинг бошқа турлари (шиша идишда, пластик, асептик ва ноасептик ўрамларда);

шахсий гигиена буюмлари;

қурилиш материаллари (қўлда ва қўл асбоблари ҳамда кичик механизация воситаларидан фойдаланган ҳолда тайёрланадиган материаллардан ташқари);

мебеллар (бадий халқ ҳунармандчилиги ва амалий-декоратив санъат буюмларидан ташқари) ишлаб чиқариш.

20. Полиэтилен хом ашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш.

21. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати.».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 4-банддаги «ва жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 9-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«9. Лицензия талабгори лицензия олиш учун ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва банкдаги талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақами;

лицензияланаётган фаолият тури (ёхуд унинг бир қисми);

б) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.»;

в) 22-банднинг иккинчи хатбоши ва 32-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) Низомга илованинг «Субъектлар» устуни биринчи позициясидаги «важисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин.